

ШАРТНОМА № 15

«30» 09 2022 йил

Ушбу шартнома бир тарафдан келгусида «Буюртмачи» Риштон тумани ХТБ булимга карашли мактаблар номидан низом асосида иш юритувчи Ш. Мадаминов ва иккинчи томондан «Иш бажарувчи» «Водий соглом хает сари кадам» МЧЖ ва унинг рахбари Г. Маруфова куйидагилар хакида ушбу шартномани тузилди.

1. Шартнома мазмуни ва иш хажми

1.1 «Буюртмачи» дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини олиб боришни «Иш бажарувчи» га топширади. «Иш бажарувчи» топширилган ишларни уз зиммасига олади.

т/р	Иш турлари	Улчов	Иш хажми(м2)		Нархи	Умумий тулов
№		бирлиги	Физик майдон	Оператив майдон (Физик майдони 30%)	Сум (1м2)	суммаси
1	Дезинфекция (хар хил турдаги кассаликларга карши)	М2	438900	162500	70	11375000
2	Дератизация (сичкон каламуш ва бошка кемирувчиларга карши)	М2	613900	426482	30	12794460
3	СДУ (канализациясиз хожатхона)очко	дона	2120	1300	8500	11050000
	Жаъми					35219460

1.2. «Иш бажарувчи» иморатни (бино) хоналарини, ховли, худуднинг бинолар курилмаган кисмларида профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирларини бажариш тартибини ва мухлатини белгилайди.

1.3. «Буюртмачи» хашоратлар ва кемирувчиларга карши курашиш шартномасига барча курилма майдонларини, умумий фойдаланадиган асосий майдондан ташкари, кушимча ер майдонларини, факат техник холат хизмат курсатиш бюроси (БТИ) томонидан берилган техник паспорт асосида белгилайди.

2. Шартнома киймати ва тулов тартиби

2.1 Шартноманинг умумий киймати: **35 219 460 (уттиз беш миллион ики юз ун туккиз минг турт юз олтимиш)сум**

2.2. Тулов хисобдан нақд пул ёки пул утказиш йули билан, айрим холларда эса икки томоннинг келишувига асосан туловни амалга оширадилар.

2.3. Тулов олдиндан бажарилаётган иш хажмини 30 фоизи микдори утказиб берилади.

3. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари

«Буюртмачи»:

3.1. Ишлов берилаётган барча объектларда барча техника хавфсизлиги чораларига амал килинишини таъминлаши (кулланиладиган дез. моддаларига нисбатан) «Иш бажарувчи»нинг талабига асосан дезинфекция тадбирларини утказиш учун объектларни ёпиш жадвалини топшириш.

3.2. «Буюртмачи», «Иш берувчи» томонидан бажарилган ишларни сифатсизлиги аникланса 3 (уч) кун ичида «Иш бажарувчи»га билдирги юбориш.

3.3. Биноларни ишлов бериш учун уз вақтида ва сифатли тайёрлаш ва хурақлар куйиш учун зарур мосламаларни тайёрлаш

3.4. Хизмат курсатувчи шахслар учун ишлашга кулай шароит яратиш бериш.

3.5. Барча хоналарга кириш имконини таъминлаш, уларни ёритиш электр хавфсизлигини таъминлаш, ертулаларни сувдан тозалаш ва куритиш ва бошка техник хавфсизлиги ҳамда меҳнатни муҳофаза килиш шароитларини таъминлаш, бажарилган иш учун туловни муддатидан кечиктирмай амалга ошириш.

«Иш бажарувчи»

3.6. «Иш бажарувчи» профилактик дезинфекция ишларини олиб боришда сифатли дез. моддаларни куллаш.

3.7. Рухсат этилган ва амалиётда кулланилаётган йуриқномаларга асосан ишлаш.

3.8. «Буюртмачи»га ишлатилаётган дез. моддалар хакидаги эҳтиёт чораларини тушунтириш.

3.9. «Буюртмачи» томонидан билдирги юборилгандан сунг 3 (уч) кун ичида «Иш бажарувчи» уз хисобидан ишларни кайта бажариб бериш.

4. Форс-мажор

- 4.1. Томонлар уз иш вазифаларини бажариш жараёнида бирор таббий ходиса руй берган такдирда, Узбекистон Республикасининг бирор фавкуллоддаги холат масаласида чикарилган фармон ва низомлари эълон килинганда, корхонада бирор ички авариялар булган холларда ва шуларни бартараф этишга сарфланган кунлар хисобига вазифани бажариш шу кунга узайтиришни эътиборга олинади.
- 4.2. Агар форс-мажор 60 кундан зиёд давом этган такдирда томонлардан хар бири шартномада курсатилган мажбуриятларни бажаришни рад этиши мумкин. Бу холда томонлар бажарилган мажбуриятлар буйича узаро хисоб-китоб килишлари керак.
- 4.3. Форс-мажор холати натижасида бир томонда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш мумкин булмаса, киска муддат ичида иккинчи томонни форс-мажор холати пайдо булганлиги тугрисида хабардор килинади.
- 4.4. Форс-мажор холатини тасдикланиши учун томонлар урнатилган тартибда ваколатга эга булган давлат идораларидан керакли хужжатларни такдим этадилар.
- 4.5. Форс-мажор пайдо булган холатда хар бир томон курган зарарлари учун факат узни жавобгардир.

5. Тарафларнинг моддий жавобгарлиги

- 5.1. «Буюртмачи», «Иш юритувчи» билан хар ойда бажарилган иш хажмига асосан тузилган хужжатларга асосан туловни 15 кун муддат ичида туловни амалга оширади сунг, кечиктирилган хар бир кун учун 0,4 фоиз микдорида пеня тулайди.
- 5.2. «Иш бажарувчи», «Буюртмачи» томонидан пул утказиб берилган кундан бошлаб 15 кун ичида ишни бажармаса, хар бир кечиктирилган кун учун 0,4 микдорида пеня тулайди.
- 5.3. Тарафлар пеня микдорини асосий карзнинг 50 фозидан ошмаган холда амалга оширадилар.
- 5.4. Тарафларнинг ушбу шартномада кузда тутилмаган бошка моддий жавобгарлиги Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси билан тартибга солинади.

6. Шартноманинг бошка шартлари.

- 6.1. Тарафлар уртасида низо узаро хал килинади, агарда узаро хал этилмаса вилоят хужалик суди оркали хал этилади.
- 6.2. Шартнома бир йил муддатга тузилади, агар томонларнинг биронтаси шартномани тугатилган ёки узгартириши хакида 1(бир) ой олдин хабар килмаса шартнома яна бир йилга узайтирилган саналади.
- 6.3. Шартнома томонларнинг имзолаган кунидан бошлаб кучга киради.
- 6.4. Шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Иш бажарувчи»да, иккинчиси эса «Буюртмачи»да сакланади.
- 6.5. Шартнома икки томонлама имзолангандан сунг конуний кучга киради..

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 7.1. Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупсияга карши курашиш мажбуриятини оладилар меъёрий хужжатларга, шу жумладан амалдаги конунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни бир-бирининг томонлари ёки давлат мансабдор шахсига пора бериш ёки воситачилик килиш, моддий ёки номоддий манфаатлардан кочиш керак. Томонлар бундай хатги-харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайди.
- 7.2. Коррупсияга карши кураш коидалари бузилганлиги ёки асосли шубҳа тугилганлиги тўғрисида томонлар дархол ёзма равишда хабардор килишлари шарт. Бир-бирларини шахсан (електрон почта оркали) ёки ишонч телефони оркали хабардор килиш мажбурияти олади Бундай холда, томонлар вазиятни аниклаштириш учун ёзма тушунтиришни талаб килишга ҳақли. Мулкдор ва мурожаатни кабул килган томон 10 (ўн) иш куни ичида тушунтириш беришга ёки ўз фикрини билдиришга мажбурдир.
- 7.3. Ушбу бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан коррупсия хавфини белгиланган муддатларда бартараф этилмаган такдирда тарафлар томонидан кўрилган чоралар коррупсия ҳолатининг пасайишига олиб келади. Акс холда, бошка томон шартномани бекор килишга ёки унинг бажарилишини тўхтатиб кўйишга ҳақли
- 7.4. Сотиб олувчига етказиб берилган махсулот учун барча тегишли хужжатларни такдим этган холда хисоб-варақни Расмийлаштириш санаси Сотиб олувчи томонидан товарларни кабул килиш куни хисобланади.
- 7.5. Ушбу шартноманинг барча шартлари календар кунидан кейинги кун ёки муддат бошланишини аниклаган воқеа содир булган кундан бошлаб хисобланади..
Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага кўшимча битим имзоланган холда конуний деб хисобланади.
Шартнома «30» 09 дан 2022 йилдан «31» декабрь 2022 йилгача амал килади.

Тарафларнинг реквизитлари:

« БУЮРТМАЧИ »

Риштон туман ХТБ карашли мактаблар
Манзил: Рошидоний 14
Хисоб-раками: 100022860302247092100075076
Банк номи: Марказий банк ХКМ Тошкент ш.Б.Б.
МФО: 00014 ИНН:200181783
ИНН: 201122919

Х/Р 23402000300100001010

Рахбар:  Ш. Мадаминов

М.Ў

Хукукшунос:-



« ИШ БАЖАРУВЧИ »

« Водий соғлом ҳаёт сари кадам »

Манзил: Қўштепа туман
Хисоб-раками: 20208000905531919001
Банк номи: Маргилон АТБ Агро банк булими
МФО: 00528
ИНН: 309545414

Рахбар:  Г.Маруфова

М.Ў



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ XY7420727788

1. Loyihaning turi: ShARTNOMA № 15

2. Loyihani

ng nomi: **xizmat ko'rsatish to'g'risida**

Umumiy summasi 35 219 460 (o'ttiz besh million ikki yuz o'n to'qqiz ming to'rt yuz oltmish) so'm bo'lgan xizmat ko'rsatish yuzasidan «Vodiy soglom xaet sari kadam» MCHJ va uning rahbari G. Marufova va Rishton tumani xalq ta'limi bo'limi rahbari Sh. Madaminovlar o'rtalarida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi «Vodiy soglom xaet sari kadam» MCHJ tomonidan ishlab chiqilgan va Rishton tumani xalq ta'limi bulimi markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 29.09.2022 yilda kiritgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 20.08.1998 yilgi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Budjet kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



D.R.Aliboyev

«Тасдиқлайман»
Риштон тумани Халқ таълими
бўлими мудирини



Ш. Мадаминов

«30» 09 2022 й.

1. Кун тартибидаги масала: Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли мактабларни дезинфекциялаш учун ўтказилган электрон танлов тўғрисида.

БАЁНИ № 9

Комиссия раиси:
Комиссия аъзолари:

Ш. Мадаминов
А. Хонкулов
Ж. Якубов
Б. Акбаров
Н. Махмудова

Кун тартибидаги масала.

Йиғилишда Риштон тумани Халқ таълими бўлими мудирини Ш. Мадаминов сўз очиб, Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли мактабларни дезинфекциялаш учун ўтказилган электрон танлов Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва ҳаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги Қонуни 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлис баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда йиғилиш хайъати:


**Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш
қарор қилади:**

1. Муҳокамама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб «Водий соғлом хаёт сари қадам» МЧЖ ни йиғилиш хайъати голиб деб эълон қилсин.

2. Голиб деб топилган қатнашчи “Водий соғлом хаёт сари қадам” МЧЖ билан кунунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Ушбу қарорни бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.


Комиссия аъзолари:




А. Хонкулов



Ж. Якубов



Б. Акбаров



Н. Махмудова